



Co-funded by the  
Erasmus+ Programme  
of the European Union



**ISBN: 978-83-956810-3-5**



## **INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON "EMERGENCY MANAGEMENT AND PUBLIC HEALTH RESEARCH IN ASIA**

**MAY 23, 2020**





<b>КАРАКАЛПАКСКОГО СУРА</b> <i>Турсанбаев Рузимбай Уразбаевич., Астанкулов Азамат Фархатович</i>	
<b>JO'XORINING YANGI, ISTIQBOLLI, KO'P YILLIK «AZAMAT» NAVI</b> <i>Reitov N., Reytova F., Reytov O</i>	377-380
<b>PHOMA SOLANICOLA PRILL ZAMBUURUGINING KARTOSHKA ЎСИМЛИГИДАГИ ЗАРАРИ</b> <i>Саидганиева Шаходатхон Талатбек қизи</i>	381-384
<b>АДИРЕЛЛАРДА ЭРОЗИЯ АҚАРШИКУЗГИБУГДОЙ ДАНКЕЙИНТАКРОРИ ЙЭКИНЛАРНИ ХОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b> <i>Р.А. Мурадов., Д.И. Рахмонов</i>	385-387
<b>АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СТАТИСТИЧЕСКОЙ ПРАКТИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. СТАТИСТИКА В ОБЛАСТИ ОХРАНЫ ТРУДА</b> <i>Атабаев Кахрамон Альберт огли., Атабаева Мамура Мадаминовна</i>	388-403
<b>РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА БЛОКЧЕЙН ВА МАЙНИНГ ТЕХОЛОГИЯЛАРИ</b> <i>М.Т. Алимова, С.Н. Матлабов, Т.О. Умаров</i>	404-408
<b>УПРАВЛЕНИЯ ДОХОДАМИ В ГОСТИНИЦАХ</b> <i>Абдукаримова Шахноза</i>	409-411
<b>O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINI RAQAMLASHTIRISHDA ELEKTRON TILJORATNING TUTGAN O'RNI</b> <i>Shakirova Farog'at Boltayevna., Rajabov Mirjalol Erkin o'g'li</i>	412-416
<b>ДУНЁҚАРАШ-ШАХС ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСИ</b> <i>Маматкулов Санжар Тошпулатович</i>	417-428
<b>ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ С ПОМОЩЬЮ ПЛАТФОРМЫ MOODLE В УСЛОВИЯХ КАРАНТИНА</b> <i>С.С. Сафоев, Г.К. Ширинов</i>	429-433
<b>РАБОТА ТАМОЖЕННЫХ СЛУЖБ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА</b> <i>Ж.Г. Ширинов., М.М. Тоирова</i>	434-436
<b>ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТGAN ЎРНИ</b> <i>Эргашев Шерзод Тошпулатович</i>	437-440
<b>DIGITAL TECHNOLOGIES AND MODERN INNOVATIONS</b> <i>Rustamov Dostonbek Jamshid ugli., Khurramov Azizbek Mukhiddin ugli</i>	441-444
<b>ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРИДА ПЕНСИЯЛАРНИ ИНДЕКСАЦИЯЛАШ ТАЖРИБАСИ</b> <i>Файзуллаев Сардор Сувоиқул ўғли</i>	445-454

## ДУНЁҚАРАШ–ШАХС ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИНING МАЪНАВИЙ АСОСИ

*Маматкулов Санжар Тошпулатович<sup>1</sup>*

<sup>1</sup>Жиззах давлат педагогика институти таянч докторанти

Email address: [1984sanjar@mail.ru](mailto:1984sanjar@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада “дунёқараш” ва “ҳаётӣй позиция” тушунчаларининг мазмун-моҳияти қиёсий таҳлил қилиниб, мазкур тушунчаларнинг шахс структурасидаги ўрни, ўзаро алоқадорлиги ва аҳамияти кўрсатилган. Аксарият илмий адабиётларда мазкур икки тушунча турли талқинларда, гоҳида синонимлар сифатида ишлатилиши қатор назарий-методологик чалқашликларни келтириб чиқармоқда. Шу боис, мақолада масаланинг айни шу жиҳатларига аниқлик киритили, дунёқарашнинг шахс ҳаётӣй позициясининг маънавий асоси эканлигини асослаш мақсад қилинган.

**Таянч сўзлар:** шахс, онг, дунёқараш, ҳаётӣй позиция, қадрият, эътиқод, ҳаётӣй принцип, фаолият.

### КИРИШ

Шахс барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг марказий муаммоси бўлиб, хусусан: фалсафа, социология, психология, антропология, культурология, акмеология фанларида, уларнинг предмети ва вазифаларидаги ўзига ҳосликдан келиб чиқиб турлича талқин этилади. Шахснинг моҳияти ва структурасига бўлган турлича ёндашувлар, умумий келишув нуқталари мавжуд бўлишига қарамасдан, терминологиялар ўртасидаги тафовутни кучайтириб юборди. Айни бу муаммо шахснинг дунёқараш ва ҳаётӣй позицияси ўртасидаги муайян назарий-методологик тафовутга ҳам тегишли. Шу боисдан ҳам шахс структурасида дунёқараш ва ҳаётӣй позициянинг конкрет ўрнини, уларнинг нисбати ва алоқадорлигини тадқиқ этиш ушбу назарий-методологик зиддиятларни ҳал этишда муҳим қадам ҳисобланади.

### 2. МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Шахс очик тизим сифатида ташқи дунёдан таъсирланади ва шу билан бирга фаол муносабатга киришади. Унинг ички маънавий руҳий олами ташқи

олам билан диалектик алоқадорликда шаклланади. Илмий адабиётларда шахснинг ички маънавий-руҳий олами “онг”, “дунёқараш” тушунчалари орқали тадқиқ этилади. Бироқ бу тушунчаларнинг аниқ фарқли томонлари берилмай, баъзида мазмунан синоним тушунчалар сифатида қўлланилади.

Баъзи илмий адабиётларда онг тушунчасига “инсоннинг фикр ва ҳислари, сезилари, тасаввурлари, ирода ва қарашлари,” [1, 704] “инъикоснинг олий шакли” [2, 203], “фалсафанинг ҳажман ўта кенг ва чуқур категорияси бўлиб, субъектив реалликни, ташқи оламнинг инсон, унинг мияси ва психикасида идеал даражада инъикос этишини, инсоннинг маънавий дунёсини, унинг оламдаги ўз борлигини англаб ҳис қилишини, ташқи оламга муносабатини белгилаб беради” [3, 190], деган таърифлар келтирилган.

Дунёқараш тушунчасига эса “кишиларнинг объектив реалликка ва бир-бирига бўлган муносабатлардаги дунё, унда инсоннинг ўрни ва роли ҳақидаги умумий қарашлар тизими. Дунёқараш билан биргаликда эътиқодлар, идеаллар, ҳаёт принциплари ва хулқ-атвор нормалари шаклланади. Дунёқараш шахснинг иродавий-фаолиятӣ характерини ҳам белгилайди” [4, 217-218] дея таъриф берилди. Юқорида онг ва дунёқарашга берилган таърифлардан кўриниб турибдики, онг ташқи дунёнинг соддадан мураккабгача бўлган инъикосини (сезгидан тортиб тафаккургача) ифодалайди. Дунёқараш эса онгга нисбатан хусусий бўлиб, унинг тизимлашган таркибий қисми ҳисобланади. Яъни, дунёқараш юқори даражада уюшган онг элементларининг бирлигидир. Дунёқарашга яхлитлик, барқарорлик ҳос. Онгда эса тасаввурлар, билимларнинг ўзаро боғланмаган, тартибсиз жойлашуви ҳам акс этади. Дунёқараш онгда акс этган ташқи дунё ҳақидаги маълумотларни бир бутун қилиб бирлаштиради ва субъектив дунё манзарасини ҳосил қилади. Бир сўз билан айтганда шахс

онгининг дунёни қабул қилиши ва дунёга ҳамда ўз-ўзига муносабати дунёқараш даражасидагина муайян мунтазамликка, яхлитликка эга бўлади.

Шунингдек, дунёқараш шахснинг ҳаётий позициясини белгилайди. Ушбу тезисни асослаш учун “ҳаётий позиция” ва “дунёқараш” тушунчаларининг ўзаро нисбатини таҳлил қилмоқ жоиз. Муаммо шундаки, шу вақтгача дунёқараш асосан фалсафий тадқиқот предмети сифатида, ҳаётий позиция эса психология ва социология фанларининг илмий изланиш предмети сифатида тадқиқ этилган. Шу боисдан ҳам, мазкур икки ҳодиса тушунча сифатида алоқадорликда махсус тадқиқ этилмаган.

Шахснинг ҳаётий позициясига доир баъзи қарашларга муурожаат қилишдан аввал шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, “ҳаётий позиция” тушунчасининг моҳияти ва мазмунини тушунишда яқдил фикр мавжуд эмас. Илмий билимларнинг турли соҳаларида мазмунан бир-бирига тўғри келмайдиган “позиция” тушунчаси қўлланилади. Хусусан:

- умумий ва ижтимоий психологияга оид асарларда “позиция” – бу инсоннинг ижтимоий муҳитга, ўзига нисбатан шахсий муносабатларининг доимий равишда ривожланиб боровчи тизими (интеграл), шахснинг ушбу муносабатларни конкрет фаолиятларга нисбатан тадбиқ этишга тайёрлигини ифодалайди;

- акмеологияга доир ишларда “касбий позиция”, “ҳаётий позиция” тушунчалари талқини устуворлик қилади;

- социологияда “позиция” инсоннинг ички дунёсидан ташқарида ётувчи “статус”, “роль” тушунчалари орқали аниқланадиган “ижтимоий мавқе” сифатида талқин қилинади, аниқроғи, шахсни белгилаб берувчи “ҳаётий фаолиятнинг объектив шарт-шароити” сифатида қаралади.



- ижтимоий фалсафага “позиция” (“хаётий позиция”) тушунчаси психологик ёндашувдан модификацияланган шаклда қабул қилинган. Натижада хаётий позиция шахснинг дунёкараши, ижтимоий (фуқаролик) бурч ва мажбуриятларига бўлган муносабати тарзида ифодаланади [5, 45].

Психология фанида “позиция” атамаси дастлаб А. Адлер томонидан қўлланилган. У позицияни юзага келган муаммо, савол, ҳодисага инсоннинг доминант муносабати сифатида талқин қилди [6, 387].

Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ижтимоий психология фани ривожланишининг маълум бир босқичида психология фанидаги “позиция” атамасини айнаин “инсоннинг ижтимоий позицияси” тарзида қўллаш анъанаси шаклланган [7, 794]. Рус олими Т.Шибутани позицияни шахснинг маълум бир ижтимоий гуруҳ доирасида бошқалар билан муносабатининг муайян ҳолати сифатида белгилайди [8, 544]. Яна бир рус олими И.С. Кон “позиция”ни индивиднинг социал ҳолати – унинг конкрет социал структурадаги муайян ўрни (мавқе) сифатида тушунади. Унга кўра индивид бир вақтда кўплаб позицияларни эгаллаши мумкин (ўқитувчи – касбий позиция, ота – оилавий позиция ва ҳ.к.) [9, 335].

Америкалик олим Э.Берн кишилараро коммуникация муаммоси устида иш олиб бориб, мулоқот жараёнидаги позицияларга эътибор қаратди. Э.Бернга кўра позиция, бу – хаётий ўрнатма (установка) бўлиб, у шахс томонидан хаётий ролларининг муайян турларини танлаши ва ўйинларнинг шунга мос вариантларини қабул қилишида акс этади (У хаётий турли ўйинлар орқали муайян ролни ижро этаётган иштирокчилар муносабатларининг турли комбинацияси сифатида ифодалайди). Э.Берн талқинидаги “позиция” шахс томонидан қабул қилиб олинган субъектив роллар сифатида тавсифланади [10, 21-22].

А.Н. Леонтьев фикри бўйича, позиция, бу – инсоннинг муқаррар хусусияти. У буни шахснинг шаклланиши ва ижтимоий муносабатларнинг субъектига айланиши, дунёқараши ва ҳаётини муносабатларнинг алоқадорлигидан келиб чиқувчи хусусияти сифатида тавсифлайди [11, 171-180].

### 3. МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, шахснинг ҳаётини позицияси “субъектив позиция”, “ижтимоий позиция” каби шаклларда, шахснинг барқарор руҳий ҳолати ёки унинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи каби объектив ҳолатни назарда тутувчи маъноларда талқин этилган (А.Н. Леонтьевнинг ёндашуви, бизнингча, ҳақиқатга анча яқин). Бу психология ва социологиянинг шахсга нисбатан ўзига хос ёндашуви натижаси бўлиб, ўз навбатида субъективизм ёки объективизмнинг, психологизм ёки социологизмнинг бир томонлама мутлақлаштирилишига олиб келган. Бизнингча, шахснинг ҳаётини позицияси – шахснинг ўзига, ўз ҳаётига, ўтмиш, ҳозир ва келажакка, бошқа инсонларга, жамиятга, қадриятларга бўлган барқарор субъектив муносабатлари, фаолият йўналишлари ҳамда яшаш тарзининг бирлигидир. Яъни шахснинг бутун ҳаёти давомида унга ҳамроҳлик қилувчи ўзини тутиш, фикрлаш, фаолият юритиш ва яшаш услубидир. Ҳаётини позиция, бу – инсоннинг ўзи танлаган турмуш тарзи, ҳаётини муносабатлар, қадриятини идеалларнинг ва инсон ҳаётининг бутун йўлини таъминлайдиган ҳаётини муносабатларнинг бирикмаси. Ҳаётини позиция ҳар доим қатъий тузилишга эга, аммо у ўзгарувчанликни, ривожланиш имкониятини истисно қилмайди.

Шахснинг ҳаётини позицияси унинг дунёқараши билан узвий боғлиқдир. Зеро, у дунёқараш билан бирга шаклланади, дунёқараш ўзгариши унинг ҳам ўзгаришини тақозо этади. Зеро, шахс ҳаётини позициясининг маънавий-руҳий

асосини дунёқараш ташкил этади. Шу боисдан ҳам бу икки тушунчага берилган таърифларда фавқулудда яқинлик, ўхшашлик борлиги бежиз эмас.

Бироқ, дунёқарашга берилган баъзи таърифларда ҳаётний позиция дунёқарашнинг таркибий қисми сифатида талқин этилади. Масалан, совет даврида чоп этилган “Фалсафий қомусий лугат”да дунёқарашга шундай таъриф берилади: “Дунёқараш – дунё ва унда инсоннинг тутган ўрни тўғрисидаги қарашлар, баҳолар ва мажозий ифодалар тизими, инсоннинг атрофдаги воқеликка ва ўзига бўлган умумий муносабати, шунингдек, кишиларнинг асосий ҳаётний позициялари, эътиқоди, ғоялари, билиш ва фаолият принциплари, кадриятий мўлжалларидир” [12, 375-376].

Шунингдек, И.Т.Фролов тахрири остида чоп этилган “Фалсафий лугат”да ҳам дунёқарашга “воқеликка бўлган муносабатлардан келиб чиқувчи принциплар, қарашлар, кадриятлар, идеаллар ва эътиқодлар тизими, дунёни яхлит тушуниш, шунингдек, кишиларнинг ҳаётний позициялари ва фаолиятлари дастурларидир” [13, 263] деган таъриф келтирилади.

Ушбу келтирилган таърифларда ҳаётний позиция дунёқарашнинг таркибига сингдириб юборилган бўлиб, бу ҳаётний позицияни шахснинг фақат субъектив ҳолати сифатида, бир томонлама тушунилиши натижасидир. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, дунёқараш шахс ҳаётний позициясининг маънавий-руҳий асосини ташкил этади, аксинча эмас. Зеро, шахснинг ташқи хусусиятларини ифода этувчи “ижтимоий муносабат”, “амалий фаолият”, “хатти-ҳаракат”, “яшаш тарзи” деган тушунчалар ҳам борки, булар дунёқараш билан нечоғлик боғлиқ бўлса-да, бироқ тўғридан тўғри унинг таркибига қирмайди. Баъзи адабиётларда “ички позиция”, “субъектив позиция”, “ижтимоий позиция” тарзида қўлланилган тушунчалар аслида “ҳаётний позиция”нинг таркибий қисми, унинг хусусий кўринишлари ҳисобланади.



Масалан, “ички (ботиний) позиция” ва “субъектив позиция” тушунчалари мазмун жиҳатдан синоним тушунчалар бўлиб, “психологик позиция”, “дунёқарашлик позицияси”, “фикрий нуқтаи-назар” тарзида ҳам қўлланилади ва булар шахснинг маънавий-руҳий оламининг ўзига ҳослигини ифодалайди. Шунингдек, “ижтимоий позиция” эса шахснинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни (статус), роли, амалий фаолият йўналишининг индивидуал ўзига ҳослигини англатади. Шунинг учун ҳам, бизнинг ёндашувимизга кўра, ҳаётий позиция ички (дунёқараш) ва ташқи (амалий фаолият, хатти-ҳаракат) хусусиятларнинг барқарор моделини ифодалайди. Бирок, дунёқарашнинг бутун таркибий компонентлари ҳаётий позициянинг ички структурасини ташкил этмайди. Яъни, дунёқарашнинг шахсни фаолиятга ундашда, йўналиш беришда, мунтазам ва барқарор муносабатлар ҳамда фаолият моделлари қурилишида иштирок этмайдиган компонентлари (масалан нейтрал билимлар) ҳаётий позициянинг таркибига крмайди.

Фикрларимизни янада мухтасар ифодалаш учун дунёқарашнинг моҳияти ва таркибини кўриб ўтаемиз. Бунда бир қатор олимларнинг дунёқараш тушунчасига берган таърифларга эътибор қаратамиз.

Баъзи олимлар томонидан “дунёқараш” тушунчаси “дунёни идрок этиш усуллари билан ўрнашган ақлий линзалар” [14, 4] сифатида тушунтирилади. “Дунёқараш” атамаси немисча “Weltanschauung” сўзидан келиб чиққан бўлиб, дунёга бўлган қарашни ёки шахснинг ҳаётга, ижтимоий дунёга ва институтларга яхлит қарашини англатади [15, 406]. Бу кишилар, муносабатлар, табиат, вақт ва фаолият ҳақидаги эътиқодлар, қадриятлар ва тахминларни англатади [16, 201].

Дунёқараш тушунчаси тарихан турли шакл ва маъноларда ифодаланган бўлиб, унинг мазмуни ҳақида яқдил бир ҳулоса мавжуд эмас. Хусусан, К.Юнг

уни “хаёт фалсафаси” [17, 111-125], А.Маслоу “дунёга назар солиш” [18, 39], С.Пеппер “дунё гипотезалари” [19, 51], Ж.Франк “тахминий дунёлар” [20, 57], Ж.Коттлер ва Р.Хазлер “Ўз-ўзини ва дунёни куриш тизими” [21, 355-369], Ф.Клакхон “маданий ориентациялар” [22, 376-393] шаклида ифодалаб, турли нуқтаи назардан талқин қилганлар.

Ф.А. Иброҳимнинг фикрига кўра, дунёқараш атамаси вақт ўтиши билан кишиларнинг дунёни, маданиятни, динни ёки маънавиятни қандай англашини тушунтириш учун қўлланилган ва бошқа маданиятларнинг хатти-ҳаракатлари ва муносабатларини тасвирлаш учун ишлатилган. Шунингдек, у назариётчи ёки тадқиқотчининг нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда турли контекстларда ишлатилиши мумкин [23, 425-456].

Принциплар, эътиқодлар, ҳаётий ўрнатмалар (установка), кадриятий мўлжаллар атроф олам ҳақидаги, сабаб-оқибат алоқалари тўғрисидаги билимлар жамланмаси ва шахснинг индивидуал ҳаётий тажрибаси билан тақозоланган. Шунингдек, Н.Н.Семке фикрига кўра, инсоннинг ҳаётий позицияси асосини объектив дунё ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги умумий қарашлар тизими – дунёқараш ташкил этади. Дунёқараш инсоннинг дунёга, бошқа кишиларга, ўзига бўлган муносабатини ифодалайди ва шахс структурасини шакллантиради. У инсоннинг атрофдаги воқелик билан ўзаро муносабатларининг мураккаб ҳосиласи сифатида вужудга келади ҳамда шахснинг ижтимоий ўзини ўзи ҳис этиши, ўзини ўзи англашига, унинг кадриятий мўлжаллари, баҳолари ва хулқ-атвориға таъсир қилади [24, 425].

Умуман олганда, дунёқарашнинг асосини шахснинг ўзи, дунё, жамият тўғрисидаги билимлари ташкил этади. Бу дунёқарашнинг когнитив компоненти ҳисобланиб, яна бир муҳим компонент – эмоционаллик билан алоқадорликда

бошқа структураларни: эътикод, қадриятлар, идеаллар ва ҳаётий принципларни шакллантиради.

Шахснинг ҳаётий позициясида унинг дунёқарашлик асосини ажратиб кўрсатиш муҳимдир. Ушбу асос шахсий ва ижтимоий идеаллар тизимини ва ўрнатма (установка)лар комплексини ўз ичига олади. Шахснинг дунёқарашлик ўрнатмалари комплекси шахснинг амалий ҳаракатлари йўналишини белгилайди.

#### 4. ХУЛОСАЛАР

Шахснинг ҳаётий позициясининг маънавий-руҳий асосини дунёқараш ташкил этиб, у бир қанча структуравий элементлардан таркиб топади: мотивациявий, эмоционал-баҳоловчи, фаолиятвий, когнитив ва рефлексив.

Ҳаётий позициянинг **мотивациявий** компоненти шахснинг эҳтиёжлар доираси билан боғлиқ. Асосий мотивациявий кучлар сифатида эҳтиёжлар, қизиқишлар, интилишлар, ниятлар, стимуллар ва установкалар шахснинг дунё билан яхлит муносабатида муайян ҳаётий позицияни танлашида воситачилик қилади. Ҳаётий позициянинг рағбатлантирувчи функцияси индивидуал хатти-ҳаракат ва фаолият мотивларининг характерини белгиласа, мақсадни белгилаш функцияси шахснинг ижтимоий хатти-ҳаракатларининг мотивациясини, “дунё – инсон” ва “инсон – дунё” тизимида ҳаётий юксалишнинг мотивларини онгли равишда танлашга олиб келади.

Ҳаётий позициянинг **эмоционал-баҳоловчи** компоненти шахснинг ҳис-туйғулари билан боғлиқ. Ижобий ва салбий ҳиссиётлар ва туйғуларнинг барча турлари алоҳида вазиятда хатти-ҳаракатларнинг маъносини аниқлашда (эмоционал-ҳиссий функция) ва атроф-муҳит – табиат, инсон, маданият, жамият билан ҳаётий муносабатларни тушунишда (баҳолаш функцияси) иштирок этади. Баҳолашда шахсий ва ижтимоий аҳамиятга молик қадриятларнинг структураси ва даражаси акс этади.

Ҳаётӣ позициянинг **фаолиятӣ** компоненти унинг ирода соҳаси билан алоқасини ифодалайди. Ихтиёрӣ хатти-ҳаракатлар шахснинг ўз ҳаёт тарзини онгли равишда бошқариш имконини беради. Фаолиятнинг ўзини ўзи англаш функцияси ўзлаштирилган кадриятлар, меъёрлар, қондалар асосида турмуш тарзини онгли тарзда тартибга солишни англатади. Ҳаётӣ позициянинг ижодийлик функцияси инсоннинг атрофдаги воқеликни ва ўзини ижодий равишда ўзгартиришда, “янги ҳаёт”ни яратишида намоён бўлади.

Ҳаётӣ позициянинг **когнитив** компоненти онг доираси билан боғлиқдир. Инсоннинг ўзини ўзи белгилаши атрофдаги дунё: табиат, кишилар, маданият, жамият ва ўзи ҳақидаги муайян билимларни шакллантиришга (когнитив функция), уларни тизимлаштиришга, ўзлаштирилган билимларни онгда мустаҳкамлаш, дунё ва шахс мазмунли қиёфасининг ривожланиш динамикасини акс эттиришга (дунёқараш функцияси) асосланган

Ҳаётӣ позициянинг **рефлексив** компоненти инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб боради, инсоннинг ташқи ва ички фаоллигининг барча турлари ва даражаларини бошқарувчи мураккаб тузилма сифатида ҳаётӣ позициянинг интегратив хусусиятини акс эттиради. Рефлексияни шахснинг дунё билан яхлит муносабатида эҳтиёжлар ва мотивлар, ҳиссиётлар ва туйғулар, ирода, онг ҳамда фаолият соҳаларини қайта кўриб чиқувчи ва қайта қурувчи компонент сифатида тавсифлаш мумкин. У ҳаётӣ позициянинг яхлит тарзда қарор топишни таъминлайди. Шахснинг ҳаётда ўзини ўз англаши ҳамда ўзининг индивидуаллигини намоён этишига имкон беради.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 5. – Т.: ЎМЭ, 2003. – Б.704.

2. Фалсафа асослари. Қ.Назаровнинг ум. тахрири остида. -Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.203.
3. Саифназаров И., Касымов Б., Мухтаров А. Философия. – Т.: Шарк, 2002. – С. 190.
4. Словарь терминов и понятий по обществознанию. Автор-составитель А.М. Лопухов. 7-е изд. переб. и доп. –М., 2013. –С. 217-218.
5. Маркин В. Н. Жизненная позиция личности как психолого-акмеологическая категория и феномен социального самоутверждения // Мир психологии. – 2005. — № 4. –С. 45.
6. Адлер А. Понять природу человека. – СПб.: Академический проект, 2007. – С 387.
7. Майерс Д. Г. Социальная психология /Д.Г. Майерс. – СПб.: Питер, 2011 –С.794.
8. Шибутани Т. Социальная психология: пер. с англ. / Т. Шибутани. - Ростов-на-Дону : Феникс, 1999. - 544 с.
9. Кон И.С. В поисках себя: Личность и её самосознание / И.С. Кон. - М.: Политиздат, 1984. – С.335.
10. Берн Э. Л. Люди, которые играют в игры. –М.: Эксмо, 1964. –С.21-22.
11. Леонтьев А.Н. Потребности, мотивы, эмоции / А.Н. Леонтьев // Психология эмоций / Под ред. В.К. Виллонаса, Ю.Б. Гиппенрейтер. - М.: МГУ, 1993. - С. 171 -180.
12. [Ильичёв Л. Ф., Федосеев П. Н., Ковалёв С. М., Панов В. Г., Философский энциклопедический словарь.](#) — М.: [Советская энциклопедия](#), 1983. - С. 375-376.
13. Философский словарь. Под ред. И.Т. Фролова. М., 1991, -С. 263.
14. Olsen M. E., Lodwick D. G., & Dunlap R. E. Viewing the world ecologically (p. 4). Boulder, CO: Westview Press, 1992. P.4.
15. Wolman B. B. Dictionary of behavioral science. New York: Van Nostrand Reinhold, 1973. P.406.
16. Ibrahim F. A., & Owen, S. V. Factor-analytic structure of the scale to assess World view. Current Psychology, 13, 1994. 201-209.
17. Jung C. G. Fundamental questions of psychotherapy. InR. F. C. Hull (Trans.), The collected works of C. G. Jung. Vol. 16, 1954. pp. 111-125.
18. Maslow A. H. Motivation and personality (2nd ed.). New York: Harper & Row, 1970. P.39.
19. Pepper S. C. World hypotheses: A study in evidence. Berkeley: University of California Press, 1970. P.46.



20. Frank J. D. Persuasion and healing (rev.ed.). New York: Schocken, 1973. P.57.
21. Kottler J. A., & Hazler R. J. The therapist as a model of humane values and humanistic behavior. In K. J. Schneider, J. F. T. Bugental, & J. F. Pierson (Eds.), The handbook of humanistic psychology, 2001. pp. 355–369.
22. Kluckhohn F. R. Dominant and substitute profiles of cultural orientations: Their significance for the analysis of social stratification. Social Forces, 28, 1950. pp. 376–393.
23. Ibrahim F. A., Roysircar-Sodowsky G., & Ohnishi H. Worldview: Recent developments and needed directions. In J. G. Ponterotto, J. M. Casas, L. A. Suzuki, & C. M. Alexander (Eds.), Hand-book of multicultural counseling. 2nd ed., 2001. pp. 425–456.
24. Грицанов А. А. Новейший философский словарь.. –Минск: Изд. В. М. Скаун, 1998. –С.425.